

ФУҚАРОЛИК ВА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

мустақил тадқиқотчи;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

3-ўқув курси 311-гуруҳ курсанти

Каримов Нурбек Азимжон ўғли

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Мақолада мазкур соҳада юзага келаётган ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятлари, уларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг ўрни ва ваколатлари, фуқароликни расмийлаштириш ҳамда миграция жараёнларини назорат қилишда замонавий ахборот тизимларидан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, миграция, фуқароликни расмийлаштириш, ташкилий-ҳуқуқий асослар, ички ишлар органлари, жамоат хавфсизлиги.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКИ ОФОРМЛЕНИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ ИНСПЕКТОРАМИ ПРОФИЛАКТИКИ В СФЕРЕ ГРАЖДАНСТВА И МИГРАЦИИ

Аннотация: В данной статье анализируются организационно-правовые основы деятельности инспекторов профилактики по предупреждению правонарушений в сфере миграции и оформления гражданства. Рассмотрены особенности правонарушений, возникающих в данных процессах, роль и полномочия инспекторов профилактики, значение применения современных информационных технологий при контроле за миграционными процессами. Также предложены рекомендации по совершенствованию системы профилактики правонарушений на основе проводимых реформ и нормативно-правовых актов Республики Узбекистан.

Ключевые слова: инспектор профилактики, профилактика правонарушений, миграция, оформление гражданства, организационно-правовые основы, органы внутренних дел, общественная безопасность.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси — жамиятда ҳуқуқий тартибни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини муҳофаза

қилишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги муносабатлар замонавий жамиятда жуда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳадаги назорат ва профилактик фаолиятни самарали ташкил этиш ички ишлар органларининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида профилактика инспекторларининг ваколатлари кенгайиб, уларнинг фаолияти нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш, балки фуқаролик ва миграция жараёнлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга ҳам йўналтирилди. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миграция жараёнларини қонуний асосда тартибга солиш ҳамда фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги тартиб-интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистондаги криминоген вазият мураккаб бўлиб, собиқ Иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган салбий иллатлар, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги инқирозлар ҳамда таназзуллар жиноятчилик даражасининг ўсишига сабаб бўлган. Бу вазиятда мамлакатнинг бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш сари интилиши фуқароларнинг миграция ҳаракатларини ҳам фаоллаштирган, бу эса паспорт-виза ва фуқароликни расмийлаштириш тизимининг такомиллаштирилишини тақозо этган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини жиноятчиликнинг оғир ва уюшган турлари ортиб бораётган, ташқи бузғунчи кучлар таъсири кучайган, аҳоли миграцияси назоратсиз кечаётган шароитда қўлга киритди. Бу ҳолат фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, давлат чегараларида тартиб ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, шунингдек миграция жараёнларини ҳуқуқий асосда бошқаришни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилашни тақозо этди.

Мустақилликни сақлаб қолиш ва асраш, фуқароларни ҳар қандай таҳдид ва тажовуздан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини таъминлаш, фуқароларнинг фуқароликка доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда паспорт-виза тизимини мукамал йўлга қўйиш – мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мутлақо янги миллий тизимини яратишни талаб этди.

Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими янги жамият қуришнинг ажралмас қисми сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва фуқаролик муносабатларида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган⁴. Бу тизим босқичма-босқич ривожланиш, тадрижий ислохотлар ва инсон манфаатларини устувор қўйиш тамойилларига асосланган “ўзбек модели”нинг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилмоқда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

Сўнги йилларда мамлакатимизда жуда катта ижобий ишлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар нафақат иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда, балки қонунчилик тизимида ҳам ўз аксини топмоқда. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, паспорт тизимини рақамлаштириш, фуқароларни идентификация қилишнинг янги механизмларини жорий этиш каби чора-тадбирлар профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширди.

Қонунларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва маънавий савиясининг юксаклиги билан чамбарчас боғлиқ. Ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юксалиши фуқароларнинг миграция ва фуқаролик соҳасидаги қонун нормаларига ихтиёрий равишда амал қилишини таъминлаб, қонун бузилишлари, адолатсизликлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу тариқа, профилактика инспекторларининг фуқаролик ва миграция соҳаларидаги фаолияти мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим қисми бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ички ишлар органларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикасида паспорт-виза тизимини таъминлашнинг мукамал норматив-ҳуқуқий базаси яратилди ва такомиллаштирилди. Мазкур нормалар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳар бир фуқаро республика ҳудудида эркин ҳаракатланиш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга⁵. Шу моддада белгиланган ҳуқуқий кафолатлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда паспорт-виза тизими қоидалари шакллантирилди.

Мазкур соҳадаги асосий вазифалар ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бўлиб, бу йўналишда профилактика инспекторларининг самарали фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Улар фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, паспорт тизимидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва миграция жараёнларида қонунийликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур масалага алоҳида эътибор қаратган ҳолда шундай таъкидлаган эди:

“Биз Адолат – қонун устуворлигида деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун, аввало, маҳалла

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самарадорлиги ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитларини яратиш чораларини кўришимиз даркор”⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони — “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сонли Қарори — “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳужжатлари ушбу йўналишдаги асосий стратегик йўналишларни белгилаб берди.

Мазкур қарорлар асосида паспорт-виза тизими қоидаларига риоя этилишининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш тартибини аниқ белгилайдиган халқаро битимлар имзоланди. Айрим чет эл фуқароларига дипломатик паспорт асосида визасиз келиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон тадбиркорлари учун ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги, мамлакат иқтисодиётининг хорижий инвестициялар учун очиклиги ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республика ҳудудига кириши ва бўлиши билан боғлиқ маъмурий чекловларнинг бекор қилиниши — мамлакатдаги савдо ва туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қилди. Шунингдек, Италия, Испания, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Латвия каби бир қатор давлатлар фуқаролари учун визо тартибини соддалаштириш чоралари кўрилди. Туркия, Япония ва Корея Республикаси каби бир қатор давлатлар фуқароларига бир ойгача визасиз келиш имконияти берилди.

Мазкур қулайликлар натижасида Ўзбекистонда хорижий фуқаролар сони сезиларли даражада ошди. Бу эса ўз навбатида ички ишлар органлари олдида жамоат тартибини таъминлаш, фуқаролар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли миграциясини самарали бошқариш каби долзарб вазифаларни қўйди.

Бугунги кунда мамлакатимизда паспорт-виза қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ички ишлар органлари, айниқса профилактика хизмати олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифаларни амалга оширишда ушбу хизмат ходимлари ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликда фаолият юритадилар.

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ва мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш Ички ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган. Охириги йилларда амалга оширилган туб

⁶ (Ш.М. Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Халқ сўзи, 2016, № 243 (6678), Б.1–3).

ислохотлар жараёнида мазкур тизим такомиллаштирилиб, ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги махсус хизмат фаолияти янада такомиллаштирилди. Миграция жараёнларида фуқароларнинг қонунчилик талабларига риоя қилмаслиги, вақтинча пропискасиз яшаш, визо ва фуқароликни расмийлаштиришдаги қонунбузилиш ҳолатлари профилактика инспекторларининг эътибор марказида туриши лозим.

Бу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар нафақат маъмурий жавобгарликни, балки баъзи ҳолларда жиноий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Шунинг учун профилактика инспекторларининг мазкур соҳадаги фаолияти нафақат назорат ва жазо, балки барвақт огоҳлантириш ва ҳуқуқий тарғиботни кучайтиришни ҳам қамраб олиши лозим.

Мустақиллик йилларида жамиятда шаклланган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар, тартиб-интизом, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг уйғунлиги, жамият ва давлат бошқаруви, шунингдек ҳар қандай содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарликнинг таъминланиши механизмларининг мазмун-моҳияти улў аждодларимизнинг комил инсон ахлоқ-одоби, таълим- тарбияси, фазилатлари ҳақидаги таълимотларига асосланган⁷. Буни биз улў аждодларимизнинг оила қадриятлари, мулк дахлсизлиги, ахлоқ-одоб нормалари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳамда қонун устуворлиги, шунингдек ҳар қандай ғайриижтимоий қилмиш учун жавобгарликнинг таъминланиши адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланиши ҳақидаги қарашлари, ғоялари, таълимотлари Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизимида, айниқса таълим-тарбия, суд-ҳуқуқ, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига сингдирилганлигида яққол кўришимиз мумкин⁸.

Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини қуйидаги қонун ҳужжатлари белгилайди:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йилги таҳрири);

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун (2014 йил 14 май);

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун (2016 йил);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармони — «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»;

ПҚ-6196-сон қарор — «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» (2021 йил 26 март).

⁷ Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.

⁸ Атажанов Ў. Шаҳар худудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

Ушбу ҳужжатлар профилактика инспекторларининг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, уларнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги вазифаларини аниқ белгилаб берди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадрини учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилиниб, унда:

– инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

– мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

– миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

– адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

– маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

– миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

– мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш устувор йўналишлар этиб белгиланди.⁹

Профилактика инспекторлари қуйидаги йўналишларда фаолият юритадилар:

фуқароликни расмийлаштириш жараёнларида қонунбузилиш ҳолатларини барвақт аниқлаш;

вақтинча ва доимий прописка масалалари бўйича фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан ишлашда қонун талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

фуқароларни миграция қонунчилигига оид маълумотлар билан таништириш, ҳуқуқий онгни ошириш;

миграция жараёнларида коррупциявий омилларнинг олдини олиш.

Буларнинг барчаси профилактика инспектори фаолиятининг ҳуқуқий маданиятни ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

⁹ 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони

Янги Ўзбекистонни барпо этиш даврида ички ишлар органлари тизимида туб ислохотлар амалга оширилиб ушбу соҳада жуда катта натижаларга эришилди. Жумладан:

Ислохотларнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 апрелдаги ПФ–5005-сонли фармони асосида ички ишлар органлари тизимини тубдан такомиллаштириш жараёни бошланди. Мазкур фармонга мувофиқ, бу соҳадаги давлат сиёсати йўналишларини белгилаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 13 та қонун, Президентнинг 9 та фармони, 40 та қарор, 3 та фармойиш, шунингдек 115 та Ҳукумат қарори ва 167 та идоралараро норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу ҳуқуқий ислохотлар натижасида профилактика инспекторларининг фаолияти тубдан янгиланиб, уларнинг жамиятдаги роли янада кучайди. Айниқса, фуқаролик ва миграцияни расмийлаштириш соҳаларида профилактика инспекторларининг иштироки кенгайди, чунки мазкур соҳаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан:

2021 йил 26 мартда қабул қилинган ПҚ–6196-сонли қарор – “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”;

2021 йил 2 апрелдаги ПҚ–5050-сонли қарор – “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”;

ҳамда 2021 йил 27 ноябрдаги ПФ–27-сонли фармон – “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қабул қилингани бу борадаги ислохотларнинг изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатда профилактика тизимини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, ички ишлар органларининг замонавий фаолият моделини шакллантириш ва фуқароларнинг қонунларга бўлган ишончини оширишга хизмат қилди. Шу билан бирга, улар профилактика инспекторларининг фуқаролик ва миграция соҳаларидаги ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берди¹⁰.

¹⁰ Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.

Бу ҳужжатлардан кўзланган асосий мақсад — жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишдир. Шунингдек, профилактика фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ислохотлар доирасида профилактика тизимини амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини тизимли ташкил этиш, улар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг доирасини белгилаш ҳамда мазкур жараёнларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (*Мурожаат вақти: 08.10.2025й*)

2. Ш.М. Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Халқ сўзи, 2016, № 243 (6678), Б.1–3.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (*Мурожаат вақти: 08.10.2025й*)

4. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. (*Мурожаат вақти: 08.10.2025й*).

5. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.

6. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

7. Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.